

ИККИНЧИ ЧЕТ ТИЛИ ФАНИНИ ЎҚИТИШ ВА ДАРСЛАРДА ТАЛАБАЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15522309>

Исмоилов Абдурашид Исакович

Андижон давлат чет тиллари институти

Абстракт

Ушбу мақолада инглиз тилини иккинчи чет тили сифатида ўрганувчи талабаларда тилни ўрганиш билан боғлиқ масалаларининг айрим жихатлари хақида фикр юритилади.Хозирги пайтда иккинчи чет тилини ўқитиши жараёни такомиллашиб бормоқда ва бу жараён соҳага тил ўрганувчилар учун қулайликлар яратадиган дарслик ва ўқитиши услубларини талаб этади. Қолаверса, чет тилини ўрганувчилар нафақат асосий чет тили (немис ёки француз тили) ни, балки иккинчи чет тили бўлмиш инглиз тилини хам бир вақтда ўрганишлари керак бўлади.

Калит сўзлар

ўқитиши услублари, тамойиллари, ўқитиши мазмуни, тил материаллари, нутқий фаолият турлари малака ва қўникмалар

Чет тилларини ўқитиши масаласи мавзуси хар доим долзарб хисобланган. Давр ўтиши билан чет тилларини ўқитиши услублари хам ўзгариб, сайқалланиб бормоқда. Жумладан, чет тилларни ўқитиши мақсадлари ва мазмуни хам мукаммаллашиб бормоқда. Бу эса, хар бир жамиятнинг тараққиётига, замон талабига мос равишда ўзгариб боради.

Хозирги ёш авлод таълим жараёнига назар солсак, ўтган аср охиридаги чет тилларини ўқитиши жараёнидан тубдан фарқ қилишини кўриш мумкин. Айниқса, жаҳон тили сифатида эътироф этилаётган инглиз тилини ўқитиши мақсадлари, мазмуни ва воситалари йилдан йилга такомиллашиб бормоқда.

Инглиз тилини иккинчи чет тили сифатида ўрганаётган талабаларда нутқий малака ва қўникмаларни шакллантириш ва босқичма-босқич ривожлантириб бориш асосий тил (Немис ёки Француз тиллари) ўқитиши жараёни билан хамоҳанг равищда олиб борилади. Бу эса, хам ўқитувчига хам талабага икки хисса маъсулият юклайди. Чунки, талабага бир вақтнинг ўзида хам немис ёки француз тилини асосий тил сифатида ўрганиши, хам инглиз тилини эса, иккинчи чет тили сифатида ўзлаштириши талаб этилади. Амалий дарсларни ташкил этиш жараёнидаги кузатувлар натижасида шуни

айтиш мүмкінки, турли үқитувчилар инглиз тилини иккінчи чет тили сифатида үқитишида турли услублардан фойдаланишга харакат қиласылады. Маълумки, үқитиши мақсадлари бевосита үқитишининг мазмуни, услублари ва тамойилларини аниқлаб беришга хизмат қиласылады. Шундан келиб чиқиб, хар бир үқитувчи белгиланган мақсадларга эришиш учун астойдил харакат қиласылады.

Иккінчи тет тилини үқитишида берилған үкув режа ва фан дастури асосида таълим жараёнини ташкил этиш мақсадга мувофиқ саналады. Чунки, ушбу меъерий хужжатлар таълим жараёнини тизимли ташкил қилишга ва таълим самарадорлигига эришишга хизмат қиласылады. Хозирги вақтта келиб, иккінчи чет тили үқитиши жараёнида хам асосий чет тили үқитищдаги каби нутқий фаолият турларини амалий эгаллашга катта эътибор қаратылмоқда. Аввал хам чет тилларини үқитишида тинглаб тушуниш, гапириш, үқиши ва ёзувга үргатиши амалий мақсад санаалган бўлса-да, кўп холларда тил материаллари : фонетик, грамматик ва лексик материаллар етакчи үринни эгаллаб келган.

Талабаларга иккінчи чет тилини үргатишида кўпинча асосий чет тилини үрганиш жараёнида эгаллаган билим малака ва кўникумлари катта ёрдам беради. Айниқса, бу үрганилаётган икки чет тили бир тил оиласига мансуб бўлса үзлаштириш даражаси тез үсади. Масалан: немис тилини үрганаётган талаба маълум билим малака ва кунукмани эгаллаб олгач, иккінчи чет тили (инглиз тили) ни нисбатан осон үзлаштиради. Чунки, бу икки тил бошқа тилларга қараганда бир- бирига яқин тиллар хисоблаади. Фан дастурида берилған мавзуларнинг ўхшашлиги ва сўзларининг талаффузи хамда маъносидаги яқинлик талабаларга енгиллик яратади.

Амалий дарслар жараёнида талабаларнинг сўз бойлигини ошириш асосида тинглаб тушуниш, гапириш, үқиши ва ёзувга үргатишида немис (француз) тили дарсларида танишган мавзулар инглиз тили дарсларида учраса, үзлаштириш даражаси юқорилиги билан ажралиб туради. Масалан: талабаларга оила мавзуси таништириш жараёнида мавзуга оид янги сўзларнинг үзлаштириш анча осон кечади.

Она - mutter - mother

Ота - vater- father

Опа - Schwestern- sister

Ака - bruder - brother

Бу жараён нутқий фаолиятнинг барча турларини үзлаштиришда унчалик қийинчилик туғдирмайды. Айниқса, талабалар нуткнинг тинглаб тушуниш ва гапириш турларини нисбатан осонроқ үзлаштира оладилар. Бу

усулда инглиз тилини ўзлаштиришда кўпинча сўзларни она тилига таржима қилмаган холда ўргатиш мумкин бўлади. Колаверса, бу тилларнинг грамматик тизимидағи ўхшаш томонлари тилни ўрганувчиларга яна бир енгиллик беради. Бу эса, талабаларда ўзига бўлган ишончни ошишига ёрдам беради. Натижада, улар сўзлар орқали сўз бирикмалари, сўз бирикмалари орқали содда гаплар ва кейинчалик матнларни тузиб гапира олишлари ва ёзув орқали хам ўз фикрларини қийинчиликсиз ифодалашлари мумкин бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Инглиз тили ўқитиш методикаси. Ж. Жалолов. Тошкент-2003.
2. Чет тиллар ўқитиш методикасидан қўлланма. Р. Зарипова
3. Инглиз тили ўқитиш методикасида маъруза матнлари. Ш. Алимов